

Хош келгидингиздер қазақ бауырлар!



ХУШ КЕЛИБСИЗ, ҚАЗАҚ БИРОДАРЛАР!

БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-НПЛ ЧИҚИШИ.

№ 189 (4395).

28
СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БҮГҮН ТОШКЕНТДА ҚАРДОШ
ҚОЗОҒИСТОҢ АДАБИЁТИ ВА
САЎБАТИ ДЕКАДАСИ ОЧИЛАДИ.
ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИГА
АЛАШГАЛИ САЛОМ!

ДЎСТОНА ВИЗИТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Венгрия Социалистик Илчи партияси Марказий Комитетининг таълифига буюган шу йил 25—26 сентябрда дўстлик визити билан Венгрияда бўлди.

25 сентябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Венгрия Социалистик Илчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар ўртасида ўртоқларча фикрлашув бўлди. Самимий, дўстона, ваънада ўтган учрашувда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катусев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар

министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси В. Я. Павлов ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров;

Венгрия томонидан — Венгрия Социалистик-Илчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари, партия Марказий Комитетининг секретарлари Бела Биску ва Золтан Комочи, ВСИП Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири Андран Денеш, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ножеф Марьяи қатнашдилар.

(Давоми 4-бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ СОФИЯГА КЕЛДИ

СОФИЯ. 27 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таълифига буюган кеча қисқа дўстона визит билан Болгария Халқ Республикасининг пойтахтига келди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катусев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов ва бошқа расмий ишчилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга келишди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети, Сиёсий Бюросининг аъзолари В. Вельчев, Б. Вилларов, Ж. Живков, И. Михайлов, И.

ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

СОФИЯ. 27 сентябрь. (ТАСС). Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга Ленин ордени топшириди. Ўртоқ Тодор Живков Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда, тинчлик ва социализмни мустахкамлашда катта хизматлари

(Давоми 4-бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия коммунистлар союзининг раиси Йосип Броз Тито 1971 йил 22 сентябрдан 25 сентябрга қадар Белградда бўлиб ўтган батафсил фикрлашувлар давомида шунинг қилдиларини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия коммунистлар союзининг ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг социализм ва коммунизм қуришда сарфлаган куч-гайратлари манфаатини кўзлаб, тинчликни, халқаро хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, шунингдек, барча халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун, иккимий тараққиёт ва социализм учун нурашнинг қулайтириш манфаатларини кўзлаб, Совет — Югославия муносабатларини янада ривожлантириш учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия коммунистлар союзини ўртасидаги, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Югославия Социалистик Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш учун яхши негиз бор.

СССР билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ҳамкорлиги тарихий тандирларнинг бири. Социализмнинг муштарак асос бўлиши мумкин. Социализм қуришнинг айрим мамлакатлар ривожланишида тажрибани ва ўзинг хос хусусиятини аниқ эътироби методлари шу мамлакатлар халқларининг ва ишчилар синфининг ишлари ва бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилмаслиги лозим.

Л. И. БРЕЖНЕВ СОФИЯ- ДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

СОФИЯ. 27 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таълифига мувофиқ бу ерда қисқа муддатли дўстона визит билан меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Софиядан Москвага жўнаб кетди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 27 сентябрда Москвага қайтиб келди.

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ БАЁНОТИ

империализмга қарши олиб борилаётган муштарак курашга содиқликни асосланади.

Мана шунинг ўзи халқларимиз, партияларимиз ва давлатларимизнинг самарали ҳамкорлиги қилишлари учун, ўзаро муносабатларда пайдо бўлаётган масалалар ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам шу масалаларнинг ҳаммасини конструктив равишда ҳал қилиш учун қулай шароит яратиб беради.

КПСС ва Югославия коммунистлар союзи шунга асосланадиларини, социализмнинг жамият қуриш йўлида олиб борилаётган курашда ўз халқларига ва ишчилар синфига бош бўлиб турган коммунистик ва ишчи партиялар сиёсати учун бугун ва келаялда ҳам ҳар бир мамлакат ҳукуматидаги мувофиқ ижодий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришлар Марш — Энгельс — Ленин таълимотига ўзгармас асос бўлиши мумкин. Социализм қуришнинг айрим мамлакатлар ривожланишида тажрибани ва ўзинг хос хусусиятини аниқ эътироби методлари шу мамлакатлар халқларининг ва ишчилар синфининг ишлари ва бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилмаслиги лозим.

Ҳар томонлама Совет — Югославия муносабатларининг ривожлантирилиши 1955 йилги Белград декларациясида, 1956 йилги Москва баёнотида ва декларациясида, 1963 йилги Совет — Югославия Қўшма баёнотида баён қилиб берилган принципларга асосланади.

Томонлар ўз мамлакатларидаги социалистик ва коммунистик қурилиш, га раҳбарлиги қилаётган партиялар сифатида КПСС билан Югославия коммунистлар союзи ўртасидаги дўстона ҳамкорлигини мана шу асосларда бундан буён ҳам ривожлантириш учун ҳамда иккимий партия ўртасидаги, икким суверен давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларини ифода қилиш лозим бўлган ишончин мустақамлаш беришни зарур деб ҳисоблайдилар.

Ҳар инкала томон КПСС билан Югославия коммунистлар союзи ўртасида, СССР билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ўртасида икким томонлама муносабатлар ва ташқи сиёсат масалалари бўлиб турли босқичларда тарғиб ҳам тез-тез учрашиб туришни, фикрлаш ва маслаҳатлашиб туришни рағбатлантириш берадилар. Томонлар мана шунинг ўзи ҳамжиҳатлиги лозим.

ва ҳамкорлигининг яхшироқ бўлиши, га ёрдам бераверади, деб ишонч билдирадилар.

КПСС билан Югославия коммунистлар союзи партиялар ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар практикасини ҳисобга олиб, партия делегацияларини бир-бирларига юбориб туришни негизга берадилар, партия муассасалари ва илмий муассасаларнинг ҳамкорлигини рағбатлантираверадилар, шунингдек маҳаллий партия ташкилотларининг мулоқот ва алоқалар қилишнинг ривожлантираверадилар.

КПСС ва Югославия коммунистлар союзи сиёсий, иқтисодий соҳаларда, шунингдек санъат, техника ва маданият соҳаларида СССР билан ЮСФР ўртасида ҳамкорликнинг кўп томонлама ривожлантиришга кўмаклашаверадилар.

СССР билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ҳам икким томонлама, ҳам кўп томонлама асосда иқтисодий ва илмий техника ҳамкорлигини, шу ҳисобга ЮСФР билан Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлиги асосидаги шартномага асосланган ҳамкорлигини ҳам негизга олиб, ва чуқурлаштириш учун катта имкониятлар борлигига

томонлар аминдилар. Совет — Югославия Иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари шунини, товар обороти кенгайтирилиши ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли равишда операция қилиниши ва ихтисослаштирилиши, шунингдек лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари айниқса ҳозирги фан-техника тараққиётининг белгилаб бераётган тармоқларида олиб борилиши лозим. Шу муносабат билан томонлар СССР билан ЮСФР ўртасида 1971 — 1975 йилларга мўлжаллаб битим тузилганлигини таъкидлайдилар. Ҳар инкала партия СССР билан ЮСФР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигини тез суъратлар билан ривожлантириш тарафидини қўришни зарур деб ҳисоблайди.

Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги билан шуғулланувчи ҳукуматларо номинет ҳамда ҳар инкала мамлакатнинг тегисли хўжалик органлари ва ташкилотларини иқтисодий муносабатларини тарғиб қилиш, барча имкониятларини ўрганиб чиқадилар ва зарур чораларни кўрадилар.

КПСС ва Югославия коммунистлар союзи матбуот, радио ва телевидение, маданият ва санъат соҳаларидаги алоқаларини инкала томонини баъбаравар қаранат қилиш асосида янада ривожлантириш мумкинлигини ўқитиб ўтадилар. Улар натта имониятларга эга бўлган омивари ахборот воситалари СССР ва ЮСФР халқларининг бир-бирига бўлган қўриқлини ва улар ўртасидаги дўстликни мустахкамлаш манфаатларига хизмат қилиши лозим, ҳар инкала мамлакатда социализм ва коммунизмни қурилиш йўлида сарфланаётган куч ва ҳайратни объектнинг равишда ва ҳайратни объект билан ерғитиш бунга ёрдам бермоғи лозим, деб ҳисоблайдилар. (Давоми 2-бетда).

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ И. ГАНДИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таълифига буюган расмий визит билан келган Ҳиндистон Республикасининг бош министри Индира Гандини 27 сентябрда Москвага самимий кутиб олди. Внуково аэродроми. Икким дўст мамлакатнинг давлат байроқлари хиллаб турибди.

Ҳиндистон ҳукумати бошлиғини кутиб олгани СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР министрлари А. А. Гречко, Б. П. Бугаев, Н. В. Яковлев, Н. С. Патоличев, Е. А. Фурцева, СССР Министрлар Советининг давлат ташқи иқтисодий алоқалар ко-

митетининг раиси С. А. Скачков, СССР ташқи ишлар министрнинг ўринбосари В. В. Кузнецов ва Н. П. Фирюбин, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Н. М. Петов, бошқа расмий ишчилар келишди.

Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистон Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Ш. Шеванов билан элчи хонанинг дипломатик ходимлари бор эди.

Аэродромнинг учини майдонида фахрий қоровул саф тортиб турибди. Пойтахт меҳнатнашларининг вакиллари ҳам туришди.

А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров ўртоқлар Индира Ганди

билан, унинг расмий ҳамроҳлари билан самимий саломлашадилар. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилади. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин совет жамоачиларининг сафини айланб ўтишди.

Индира Ганди А. Н. Косигин билан бирга Кремль сари йўл оладилар. Москванинг меҳмонлар тушган машиналар ўтаб-таб қўчалари Ҳиндистон Республикаси билан СССРнинг давлат байроқлари, ҳинди ва рус тилларидаги табриқлар билан безатилган эди. (ТАСС).

МАШИНА ТЕРИМИ ҒОЛИБЛАРИГА О Ф А Р И Н!

Юқори Чирчиқ райони ва Бекободдаги «Победа» колхозини меҳнаткорлари областда биринчи бўлиб машина терими ниятини бажардилар.

ТОШКЕНТ КОЗОК БИРОДАРЛАРИНИ ШОДИЁНА КУТИБ ОЛДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикаси
нинг президенти, Югославия коммунистлар
союзи нинг раиси
ИОСИП БРОЗ ТИТО,

